



MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC
SOLUTIONS

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ДИПЛОМАТИК ВА КОНСУЛЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мирзаев Хуршед Тошқулович

*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Халқаро муносабатлар
факультетининг Амалий сиёсатишунослик йўналиши магистранти*

Аннотация. Ушбу тезисда Янги Ўзбекистон Республикаси дипломатик ва консуллик фаолиятининг замонавий хусусиятлари, ривожланиш тенденциялари ҳамда Ўзбекистоннинг кўп томонлама халқаро ҳамкорликлари ўрганилган.

Калит сўзлар: дипломатия, замонавий дипломатия, ташиқи сиёсат, халқаро муносабатлар, стратегия, дипломатик мулоқот, делегат.

СОВРЕМЕННЫЕ ОСОБЕННОСТИ ДИПЛОМАТИЧЕСКОЙ И
КОНСУЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН В
ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ

Мирзаев Хуршед Ташкулович

*магистрант, направление Прикладной политологии
факультета Международных отношений Университета
мировой экономики и дипломатии*

Аннотация. В этом тезисе изучаются современные особенности дипломатической и консульской деятельности Новой Республики Узбекистан, тенденции развития и многостороннего международного сотрудничества Узбекистана.

Ключевые слова: дипломатия, современная дипломатия, внешняя политика, международные отношения, стратегия, дипломатическое общение, делегат.

MODERN FEATURES OF THE DIPLOMATIC AND CONSULAR
ACTIVITIES OF NEW UZBEKISTAN IN FOREIGN COUNTRIES

Mirzayev Khurshed Tashkulovich

*Master's student of the Department of Applied Political Science at the Faculty of
International Relations of the University of World Economy and Diplomacy*

Abstract. In this thesis, modern features of the diplomatic and consular activities of the New Republic of Uzbekistan, development trends and multilateral international cooperation of Uzbekistan are studied.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Key words: *diplomacy, modern diplomacy, foreign policy, international relations, strategy, diplomatic communication, delegate.*

Янги Ўзбекистон ўзининг миллий манфаатларига мос келадиган, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи муносабатларни йўлга қўймоқда. Мамлакатимизнинг замонавий ташқи сиёсий йўналиши жаҳонда ва минтақада жадаллик билан ўзгараётган вазият ҳамда давлатимиз ҳудудидаги кенг миқёсдаги ўзгаришларга асосланиб ривожланмоқда.

Замонавий ташқи сиёсий фаолиятнинг устувор вазифаларидан бири 2017 йил 7 февралда тасдиқланган “2017–2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг “чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар”и белгилаб берилди.

Давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатида ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва дўстона қўшничилик муносабатлар минтақасини яратиш мазкур стратегияда устувор вазифа этиб белгиланди.

Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларнинг ҳаётга тадбиқ этилганлиги ҳамда бошқа давлатлар билан фаол дипломатик муносабатларнинг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада оширганлиги маълум бўлмоқда. Мазкур ютуқлар халқаро таҳлилчиларнинг ҳам диққат-эътиборини тормоқда.

Жумладан, халқаро экспертларнинг таъкидлашича, янги Ўзбекистон ўзининг очиклиги ва фаол ташқи сиёсати билан ажралиб турган изчил, самарадор ва конструктив сиёсат олиб бормоқда. Бу ҳолат эса глобал миқёсда жадал ўзгаришлар содир бўлаётган ҳамда халқаро майдонда кучларнинг янги нисбати шаклланаётган айни пайтда амалга оширилаётганлиги аҳамиятга моликдир.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач бир қатор халқаро ташкилотлар ва давлатлар билан дипломатик муносабатларни йўлга қўйди. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш воситасида ташқи сиёсат олиб боришда юқори рейтингларга эга бўлиш билан бирга ушбу соҳада учраган айрим камчиликлар сабабли мамлакатимизда бир муддат ташқи алоқалар сезиларли даражада сустрлашиб бораётганлиги кўзга ташланди.

Айниқса, бу вазият 2000-йиллар ўрталаридан бошлаб кўзга ташланиб бораётганди. Бошқа мамлакатлар, энг асосийси, бизга қўшни давлатлар билан турли соҳалардаги ҳамкорликнинг етарли даражада ташкиллаштирилмаётганлиги оқибатида тизимда кўплаб муаммоли масалалар юзага келди. Бироқ, 2016 йилнинг сўнгги чорагида Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланган Шавкат Мирзиёев мазкур вазиятни англаган ҳолда бошқа соҳалар қатори ташқи сиёсий муносабатлар тизимини ҳам танқидий баҳолаш ва уни кучайтириш устувор вазифа





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

эканлигини белгилаб берди. Мазкур соҳада бир қатор самарали тадбирлар ва амалий ишлар олиб борилди.

Хусусан, мамлакатимиз Президенти таклифига биноан 2017 йилда Самарқанд шаҳрида “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, тараққиёт ва барқарор ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик” мавзусида анжуман ташкил этилди ва унга 500 нафардан ортиқ делегат қатнашди. Президентимиз раҳбари Марказий Осиё давлатлари билан яқин қўшничилик, дўстона ва ўзаро манфаатли алоқаларни такомиллаштиришни энг асосий ташқи сиёсий йўналиш тариқасида белгилаб берди.

Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йилда янги Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар билан дипломатик муносабатларида янги давр бошланганлигини кузатиш мумкин. Ушбу йилда Туркменистон, Қозоғистон ва Қирғизистон мамлакатларига давлат ташрифлари амалга оширилиб, мамлакатлар раҳбарлари ўртасида ишончли сиёсий ҳамда дипломатик мулоқотни мустаҳкамлаш ишлари такомиллаштирилди. Натижада қўшничилик муносабатлари, дипломатик ҳамда консуллик хизматларида 2016 йилгача қайд этилган кўп сонли мураккаб муаммоли масалаларга ечим топилганлиги намоён бўлди.

Шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг замонавий ташқи сиёсий муносабатлари фаол, очиқ ва ташаббускор тус олди ҳамда юзага келаётган хатарларга ўз вақтида жавоб қайтаришни талаб этадиган халқаро-сиёсий вазиятни инобатга олган ҳолда бунёд этилмоқда.

Мазкур талаблардан келиб чиққан ҳолда хорижий давлатлар билан фаол ҳамда ташаббускор дипломатик ва консуллик муносабатларни йўлга қўйиш давр талабига айланди.

Ушбу ишларнинг натижасида 2017 йилнинг ўзида Президентимизнинг олий даражадаги 21 та ташрифи, 60 дан ортиқ мамлакат ва халқаро ташкилотлар етакчилари ва вакиллари билан учрашувлар амалга оширилди. Бу тадбирларнинг самараси ўлароқ 400 дан ортиқ битим ва келишувлар имзоланди, қарийб 60 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги савдо ва сармоявий шартномаларнинг имзоланишига эришилди. Ушбу ҳужжатлар ва битимларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда самарали бажариш учун 40 та “Йўл харитаси” ишлаб чиқилганлиги маълум бўлди.

Шу йилнинг ўзида давлатимиз Президентининг олий даражадаги ташрифлари чоғида, Хитой Халқ Республикаси билан **23 млрд.**, Россия Федерацияси билан **16 млрд.**, Корея Республикаси билан **10 млрд.**, Туркия билан **3,5 млрд.**, Қозоғистон билан **2,2 млрд.** ва Қирғизистон билан **455 млн.** АҚШ долларига тенг савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни ривожлантириш борасида икки томонлама шартномалар имзоланишига эришилди.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш давомида албатта Ўзбекистоннинг мазкур давлатлардаги дипломатик ҳамда консуллик хизматларининг ҳам ҳиссаси бекиёс эканлиги намоён бўлмоқда.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Халқаро миқёсдаги дадил дипломатик саъй-ҳаракатларимиз натижасида юртимизнинг нуфузи тобора юксалиб, жаҳон мамлакатлари орасида ўз ўрнига эга бўлмоқда. Хусусан, мамлакатимиз илк мартаба БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига тенг аъзо этиб сайланилди. Президентимизнинг 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг олий минбарида таклиф этган глобал ҳамда минтақавий ташаббуслари дунё ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Ушбу ташқи сиёсатдаги ислохотлар билан бир вақтда хорижий давлатларда Ўзбекистон Республикаси дипломатик ва консуллик фаолияти ҳам янада такомиллаштирилди ва замонавий хусусиятларни касб этишни бошлади.

Янги Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё мамлакатлари – бевосита қўшниларимиз билан дўстона, яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашни асосий устувор вазифа этиб белгилаб берган.

Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўзбек дипломатияси ўзининг ташқи сиёсий муносабатларининг устувор йўналишини аниқлаб олди ва бу борада самарали фаолият олиб бормоқда.

Ўтган қисқа вақт давомида Янги Ўзбекистон дипломатик органлари “Марказий Осиё – бош устувор йўналиш” ҳамда “Марказий Осиё руҳи” каби тамойиллар асосида ўз ташқи муносабатларини ривожлантирди.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан сўнгги йилларда минтақанинг барча давлатлари билан олий даражадаги ташрифлар алмашинуви йўлга қўйилди. Минтақа мамлакатларининг раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган сиёсий мулоқотлар узлуксизлиги жорий этилди. Натижада Марказий Осиё ҳукуматларини қизиқтирадиган хавфсизлик, чегаравий масалалар, инвестиция, туризм, иқтисодиёт, маданият, глобал соғлиқни сақлаш ва экологияга оид ўзаро, минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга муҳим қўшма қарорлар имзоланишига эришилди.

Мазкур саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, Янги Ўзбекистоннинг минтақадаги барча давлатлар билан дипломатик муносабатлари тубдан яхшиланди, жумладан, ўзаро борди-келди тадбирлар қайтадан ривожланди ҳамда чегаралар очилиши амалга оширилди. Натижада қўшничилик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, халқ дипломатияси, инсонпарварлик ёрдам, маданий дипломатия ва маърифий ҳамкорликнинг қайтадан ривожланишига туртки бўлганлиги намоён бўлди.

Янги Ўзбекистон очик ташқи сиёсати, фаол дипломатик муносабатларининг йўлга қўйилганлиги боис, Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий соҳалардаги муносабатлар изчил ривожланмоқда.

Мамлакатимизнинг Марказий Осиё давлатлари билан ташқи савдо айланмаси динамикасини мониторинг қиладиган бўлсак, 2016 йилда 2,5 млрд доллар, 2017





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

йилда 2,7 млрд доллар, 2018 йилда 4,0 млрд доллар, 2019 йилда 5,2 млрд доллар ва пандемия шароитига қарамасдан, 2020 йилда 5,0 млрд долларни ташкил қилган. Мазкур натижаларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2016-2020 оралиғида ташқи савдо ҳажми 2 барабарга ошганлигини кузатишимиз мумкин. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ташқи савдо айланмаси 2021 йилда 6,3 млрд, 2022 йилда 7,5 млрд ва 2023 йилда 7,2 млрд долларга етди. Бу эса ҳукуматнинг фаол ташқи сиёсати маҳсулидир.

Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг замонавий устувор йўналишлари ҳақида сўз борар экан, давлатимизнинг етакчи хорижий мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар билан стратегик алоқалари ҳамда дипломатик муносабатлари кучайиб бораётганига алоҳида урғу бериш жоиз.

Жумладан, етакчи давлатлар билан “Марказий Осиё + Россия Федерацияси”, “Марказий Осиё + Хитой Халқ Республикаси”, “C5 + 1” (АҚШ), Марказий Осиё + Ҳиндистон, “Марказий Осиё + Япония”, “Марказий Осиё + Корея Республикаси”, “Марказий Осиё + Европа Иттифоқи” ҳамкорлиги доирасида минтақавий сиёсий алоқаларнинг турли форматларини ривожлантиришда фаол қатнашмоқда. Бу эса Марказий Осиёнинг гегемон хорижий мамлакатлар билан сиёсий, дипломатик, савдо-иқтисодий ва хавфсизлик соҳаларидаги муносабатларининг тизимли равишда амалга оширилаётганлигини намоён қилмоқда.

Шу билан бирга 2023 йилнинг 1 май куни тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси конституцияси мамлакатимизнинг ташқи сиёсат олиб бориш борасидаги ҳаракатларини янада ривожлантириш ва бу соҳага янгича руҳ бағишлашни назарда тутган. Олий бош қомусимизда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати қандай мақсадларни кўзлаши ва замонавий тус олиши белгилаб берилган.

Жумладан, янги таҳрирдаги конституцияга муҳим ғоя ва қоидаларни ўз ичига оловчи бир қатор асосий ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Унга кўра, конституциянинг муқаддимасида миллий давлатчилигимизни такомиллаштиришнинг янги босқичида Ўзбекистон **жаҳон ҳамжамияти**, биринчи навбатда, **қўшни мамлакатлар билан** ҳамкорлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, тинчлик ва тотувлик асосидаги **дўстона муносабатларни ривожлантиришни мақсад қилган**.

Шунингдек, янги таҳрирдаги конституцияда дипломатик муносабатлар соҳасида мамлакатимизнинг ташқи сиёсати принципларига “**давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги**” қоидаси қўшилди ва “**тинчликсевар ташқи сиёсат**” унинг асосий вектори тариқасида жорий этилди. Яъни янги таҳрирдаги конституциянинг 17 моддасида мамлакатимиз халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти экани яна бир маротаба қайд этилган.

Ўз навбатида таъкидлаш жоизки, аввалги таҳрирдаги конституцияда ташқи сиёсат боби фақатгина битта моддадан ташкил топган бўлса, янги таҳрирдаги конституцияда ушбу боб яна битта модда (18-модда) билан тўлдирилди.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Мазкур моддада мамлакатимиз давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни олиб бориши кўрсатиб ўтилган.

Фаол ва очиқ дипломатик алоқаларнинг самараси туфайли айни вақтда мамлакатимиз жаҳон сиёсатининг марказларидан бирига ва глобал ташаббуслар маконига айланаётганлиги эътирофга сазовор.

Расмий Тошкент дунёнинг 145 дан зиёд мамлакати билан дипломатик алоқалар ўрнатган, чет мамлакатлар ва халқаро ташкилотларда мамлакатимизнинг 50 тадан ортиқ дипломатик ва консуллик ваколатхоналари мавжуд, Ўзбекистон 100 дан зиёд халқаро ташкилотларга аъзо, турли кўп томонлама ҳамкорлик тузилмалари билан ўзаро муносабатларни такомиллаштирмоқда. Бугунги глобаллашув жараёни ушбу сиёсатни изчиллик ва ҳушёрлик билан давом эттиришни тақозо қилмоқда.

Ҳозирги кунда давом этаётган мураккаб даврда мамлакатларнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш принципига риоя этиш ташқи сиёсий муносабатларни амалга оширишда барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шу боис янги таҳрирдаги конституцияда Ўзбекистон олиб бораётган ташқи сиёсатининг асосий принципи қаторида “давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги” масаласи ва “тинчликсевар ташқи сиёсат” борасидаги алоҳида нормаларнинг қайд эттирилиши давлатимизнинг халқаро сиёсий майдондаги ўз мажбуриятларини бажарувчи, ишончли шерик сифатида мавқеини мустаҳкамлаш учун зарурийлиги акс эттирилган.

Ушбу принципнинг бош қомусимизга қўшилиши давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини жаҳондаги барча давлатлар тан олиши ва ҳурмат этиши, яхши кўшничилик, ўзаро ишонч, дўстона муносабатларни ривожлантириш, чегараларимиз осойишталиги, халқимиз хавфсизлиги ҳамда ривожланишимизнинг барқарорлигини таъминлаш учун хизмат қилади.

Хулоса тариқасида айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги кунда Янги Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган очиқ, конструктив ва прагматик ташқи сиёсат мамлакатнинг халқаро нуфузини ошириши билан бир вақтда, Марказий Осиё давлатларининг барқарор ва кенг имкониятларга молик ҳамкорлик минтақасига айланишига ҳам катта хизмат қилмоқда. Мазкур жараён доирасида бевосита ўзбек дипломатик ва консуллик хизматлари такомиллашиб, замон билан ҳамнафас ривожланишда давом этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2017 йилдан сўнг Янги Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар, хусусан қўшниларимиз билан дипломатик ва консуллик алоқалари янги босқичга кўтарилди. Мазкур саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ Марказий Осиё давлатлари билан мамлакатимизнинг чегаралари очилиши, ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар ҳажмининг ошиши, миллий маҳсулотларимиз экспортининг кўпайиши, бир сўз





билан айтганда ўзаро манфаатларга асосланган иқтисодиётимизнинг ривожланиши очик ва прагматик ҳамда дўстона ташқи сиёсатимизнинг натижаси эканлиги кўзга ташланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: 2023.
<https://lex.uz/uz/docs/-6445145>
2. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т: 2021.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони.
<https://lex.uz/acts/3107036>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 – 2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>.
5. Юлдашева Говхержан. Ўзбекистон Республикасида консулик ҳуқуқининг шаклланиши ва ривожланиши (Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати). Тошкент – 2020 й.
6. Файзиев, Д. Туйчиев. Становление и развитие законодательства Республики Узбекистан о дипломатической службе. ТГЮУ, 2019 г.

